

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ БД -5510400-3.28

2021 йил "04" 06

Соғлиқни сақлаш вазирлиги

127-сонли бўғрувчи

2021 йил "04" 06



**ОРТОДОНТИЯ  
МОДУЛ ДАСТУРИ**

<b>Билим соҳаси:</b>	500000	- Соғлиқни сақлаш ва ижтимоий таъминот
<b>Таълим соҳаси:</b>	510000	- Соғлиқни сақлаш
<b>Таълим йўналиши:</b>	5510400	- Стоматология

Тошкент - 2021

## **Тузувчилар:**

Нигматов Р.Н. Тошкент давлат стоматология институти, Ортодонтия ва тишларни протезлаш кафедраси мудири, профессор, т.ф.д.

Арипова Г.Э. Тошкент давлат стоматология институти, Ортодонтия ва тишларни протезлаш кафедраси доценти, т.ф.н.

## **Тақризчилар:**

Гаффаров С.А. Тиббиёт ходимлар касбий малакасини ривожлантириш маркази, Стоматология, болалар стоматологияси ва ортодонтия кафедраси мудири, т.ф.д. , профессор

Акбаров А.Н. Тошкент давлат стоматология институти, Факультет ортопедик стоматология кафедраси мудири, т.ф.д, доцент

Модул дастури Тошкент давлат стоматология институтида ишлаб чиқилган.

Модул дастури Тошкент давлат стоматология институти Кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2021 йил 29 январдаги 5 - сонли баённома).

Модул дастури Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги тиббиёт ва фармацевтика узлуксиз касбий таълими муассасалараро Мувофиқлаштириш Кенгашининг 2021 йил “13” апрелдаги “3” – сонли баённомаси билан маъқулланган.

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил “4” июндаги “121” - сонли буйруғининг 1 - иловаси билан модул дастури рўйхати тасдиқланган.

## **1. Ўқув модулининг долзарблиги ва олий таълимдаги ўрни**

Ортодонтия модули ўқув режанинг ихтисослик модули ҳисобланиб, 4 ва 5 курсларнинг VII-X семестрларида ўқитилади.

Модул ортодонтия амалиётида тишлар, тиш қаторлари ва тишловни тиклаш учун ташхислаш, клиник синамалар, клиник-функционал текшириш усуллари, ортодонтик даволаш, ҳамда аномалия- деформацияларни олдини олишда бўлғуси умумий амалиёт стоматологияда клиник фикрлаш, касаллик ва унинг белгиларини асослаш учун замин яратиб беради.

Ушбу дастур фундаментал ҳамда клиник модуллар билан узвий боғланган равишда ўрганилади, талабаларга амбулатор қабулга етарли даражада бўлган асосий кўникмаларни эгаллашларига имкон яратади.

Модулни ўқитиш учун тиббий биология, умумий генетика, биофизика, тиббий кимё, биокимё, анатомия, физиология, фармакология, преклиник реставрацион стоматология, клиник реставрацион стоматология, ортопедик стоматология пропедевтикаси, олинмайдиган тишлар билан протезлаш, олинадиган тишлар билан протезлаш, тиббий радиология модуллари назарий замин бўлиб хизмат қилади. Ортодонтия модули кейинчалик клиник модуллар жумладан, клиник эндодонтия, тўлиқ олинадиган тишлар билан протезлаш, пародонтология, болалар оғиз бўшлиғи шиллик қавати модуллари учун назарий замин бўлиб хизмат қилади.

## **2. Ўқув модулининг мақсади ва вазифалари**

**2.1. Модулнинг мақсади** - талабаларни клиник фикрлаш қобилиятини ўстиришга қаратилган услубларни замонавий педагогик технологиялар орқали, яъни тиш, тиш қаторлари, тишлов аномалия ва деформацияларининг келиб чиқиш сабаблари, ривожланиш механизми, клиникаси, ташхис, қиёсий ташхис, даволаш усуллари ҳамда уларни олдини олиш чора-тадбирларини ўргата бориш ва шакллантиришдан иборат.

### **2.2. Модулнинг вазифалари:**

- модулни бўлимларига тегишли билимлар билан талабаларни босқичма-босқич таништира бориш, ўргата бориш ва кўникмаларни ҳосил қилиш;
- янги педагогик технологияларни дарс жараёнига тадбиқ этиб, талабада клиник фикрлаш қобилиятини ўстириш ва билимини сақлаш даражасини ошириш;
- талабанинг клиник фикрлаш қобилиятини ўстиришга қаратилган стандартга мос амалий кўникмаларни ассистент-талаба, талаба-фантом услубида автоматизм даражасига етказиш;
- модул соҳасига тааллуқли тиш, тиш қаторлари, тишлов аномалия ва деформацияларининг ташхиси, даволаш ва профилактика усулларининг зарурий жиҳатлари тўғрисида маълумот бериш.

### **2.3. Модул бўйича талабаларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар:**

#### **VII-VIII семестр**

##### ***Талаба:***

- ортодонтия поликлиникасида ортодонт-стоматолог иш ўрни ва вазифалари;
- ортодонтия амалиётида ишлатиладиган хом ашёларни таркиби, хусусиятлари, қўллашга бўлган кўрсатмалар;
- ортодонтик (позиционер, дистал амбир, лигатураларни боғлайдиган қисқич, Адерер амбири) асбобларнинг тузилиши ва қўллаш учун кўрсатмалар;
- беморни бошқа мутахассис маслаҳатига юбориш;
- ортодонтик таснифларнинг турлари;
- бурундан нафас ололмаганида нима бўлиши;
- тил юганчаси калталигида нима бўлиши;
- зарарли одатларда нима бўлиши;
- инфантил ютинишда нима бўлиши;
- тиш жағ тизимини турли ривожланиш даврларини морфо-функционал хусусиятлари;
- тиш жағ тизимини актив ўсиш даврлари;
- физиологик ва патологик прикусларни фарқлаш;
- тишлар силжигинида ҳосил бўладиган морфологик ўзгаришлар;
- тиш, тиш қаторлари ва тишлов аномалиялари этиология, патогенез, ташхислаш ва профилактикаси;
- миомашқлар ҳақида умумий тушунчалар;
- болалар протезлари хусусиятлари **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- бирламчи ортодонтик беморнинг ҳужжатларини расмийлаштиришни (шакл № 39);
- сўров, юз тузилиши ва оғиз бўшлиғи кўригини ўтказишни;
- тишлов турини аниқлашни;
- махсус текширув усулларни ўтказиш ва уларни таҳлилини;
- стоматологик ускуналар билан ишлашда техника хавфсизлик қоидаларига риоя қилишни;
- Пон ва Линдер-Хард индексларини;
- Коргхаус индексларини;
- Тонн ва Еккел усулларини қўллашга кўрсатмани;
- рентгенологик тасвирларни таҳлил қилишни;
- миогимнастик машқларни бажаришдаги умумий қоидаларни;
- телерентгенографик нуқта, текислик ва бурчакларни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- эластик масса ёрдамида қолип олиш;
- жағларнинг диагностик ва назорат моделларини қуйиш;

- Коркгауз бўйича тиш ёйи олд қисмининг узайганлиги ёки қисқалигини аниқлаш;
- Понн бўйича тиш ёйи торайганлини аниқлаш;
- Изард бўйича юз турларини аниқлаш;
- ечиладиган ва ечилмайдиган болалар протезларини созлаш ва ўрнатиш **малакаларига (шу жумладан амалий кўникмаларига) эга бўлиши керак.**

## **IX семестр**

### ***Талаба:***

- ортодонтик аппаратлар таснифлари;
- ортодонтик аппаратлар конструкцияларини турлари ва уларни қўллашга кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- алоҳида тишлар ва тиш қаторлари аномалиялари, уларни ташҳислаш, даволаш ва олдини олишни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- ортодонтик аппаратни созлаш;
- ортодонтик аппаратни ўрнатиш;
- ортодонтик аппаратни активлаш;
- ечиладиган ва ечилмайдиган болалар протезларини созлаш ва ўрнатиш **малакаларига (шу жумладан амалий кўникмаларига) эга бўлиши керак.**

## **X семестр якунида**

### ***Талаба:***

- сагиттал йўналишдаги аномалиялар, уларни ташҳислаш, даволаш ва олдини олиш;
- вертикал йўналишдаги аномалиялар, уларни ташҳислаш, даволаш ва олдини олиш;
- трансверзал йўналишдаги аномалиялар, уларни ташҳислаш, даволаш ва олдини олиш;
- иккиламчи деформация, патологик едирилиш ва пародонт касалликларида ортодонтик муолажаларга бўладиган кўрсатма ва қарши кўрсатмалар **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**
- ортодонтияда юзага келадиган хато ва асоратлар, уларни олдини олишни **билиши ва улардан фойдалана олиши;**
- ортодонтик-биологик сепарацияни ўтказиш;
- ортодонтик пластинкани тез қотувчи пластмасса ёрдамида қайта тиклаш;
- вестибуляр ёйли, винтли, итариб чиқарувчи пружинали пластинкани активлаш **малакаларига (шу жумладан амалий кўникмаларига) эга бўлиши керак.**

### **3. Асосий қисм**

#### **3.1. Модулдаги маъруза машғулотлари мавзулари ва мазмуни, ташкил этиш бўйича умумий тавсия ва кўрсатмалар:**

##### **7-8-семестр**

**1–мавзу. Ортодонтияга кириш.** Мамлакатимизда ортодонтия тарихи. Норма ва патология ҳақида тушунча. Турли ёшдаги болаларда физиологик ва патологик прикусларни аниқлаш. ТЖТ аномалияларининг таснифлари.

**2–мавзу. Тиш-жағ тизими аномалиялари ва деформацияларига келтирувчи этиологик омиллар.** Уларни олдини олиш чора-тадбирлари.

**3–мавзу. Ортодонтик беморларни махсус текшириш усуллари.** Антропометрик, фотометрик, рентгенологик, график ва бошқа турдаги текшириш усуллари. Телерентгенография. Турли рентгенологик тасвирларни таҳлил қилиш принципи. Функционал текшириш усуллари.

**4–мавзу. Ортодонтик даволаш жараёнида юзага келадиган морфо-функционал ўзгаришлар.** Горизонтал ва вертикал йўналишдаги силжишлар. Шварц бўйича куч даражалари.

##### **9-семестр**

**1–мавзу. Ортодонтик даволашнинг асосий тамоиллари.** ТЖТ аномалияларини асосий даволаш усуллари ва турли даврларда даволаш усулларининг ўрни. Ортодонтик аппаратлар таснифи. Миогимнастика. Ортодонтик аппаратларнинг ҳозирги замон турлари. Брекет системаси.

**2–мавзу. Механик аппаратлар.** Уларнинг тиш-жағ тизимига таъсир қилиш асослари.

**3–мавзу. Функционал йўналтирувчи ва функционал таъсир этувчи аппаратлар.** Уларнинг таъсир қилиш механизми. Ортодонтияда аралаш даволаш услубларининг асослари.

##### **10-семестр**

**1–мавзу. Тиш-жағ тизимидаги прикус аномалиялари ва деформацияларининг клиникаси ва ортодонтик даволаш усуллари.**

**2–мавзу. Тиш-жағ тизимидаги вертикал ва трансверзал йўналишдаги прикус аномалияларининг клиникаси ва даволаш усуллари.**

**3–мавзу. Катталарда ортодонтик даволаш тадбирлари.** Тиш қаторининг иккиламчи деформациялари, пародонт касалликлари, ва патологик едирилишда ортодонтик даволаш режаларини шакиллантириш ҳамда протезлашга тайёрлаш. Каттиқ танглай ва альвеоляр ўсиқнинг туғма ва орттирилган кемтикларини ортодонтик ва комплекс даволаш усуллари.

**4–мавзу. Ортодонтик даволаш жараёнида ятроген таъсуротларнинг профилактикаси ва ечими.** Ретенция усуллари. Ретенцион даврнинг ахамияти ва мохияти. Ортодонтик даволашнинг якунида ҳосил бўладиган хато ва асоратлар ҳисобига аномалия ва деформацияларни қайталанишлари. Аномалия ва деформацияларнинг олдини олиш (профилактика) усуллари.

#### **3.2. Модулдаги амалий машғулотлари мавзулари, ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:**

### ***3.2.1. Амалий машғулотларнинг мавзулар рўйхати:***

#### **7-8-семестр**

**1–мавзу.** Ортодонтияга кириш. Тиш-жағ тизими ривожланишининг турли даврларида чайнов аппаратининг морфо-функционал характеристикаси.

**2–мавзу.** Тиш, тиш қаторлари ва прикус аномалияларининг таснифи, уларни ташхислаш. Патологик ва физиологик прикусни аниқлаш. ТЖТ аномалиялари ва деформацияларини этиологияси ва патогенези.

**3–мавзу.** Антропометрик текширув усуллари. (Пон, Линдер-Харт, Коркхауз, Тонн ва Екел индекслари).

**4–мавзу.** Антропометрик текширув усуллари (Изард индекслари). График текширув услублари. Хаулей - Гербер-Гербст диаграммаси.

**5–мавзу.** Рентгенологик текшириш усуллари. Ортопантомография, томография, 3-D ва телерентгенография асослари.

**6–мавзу.** Телерентгенография. Таҳлил қилиш принципи.

**7–мавзу.** Болаларда тиш йўқотиш сабаблари. Болаларга тайёрланадиган олиб қўйиладиган (ечиладиган) ва олиб қўйилмайдиган (ечилмайдиган) тиш протезларининг ўзига хос хусусиятлари. Профилактик протезлар.

**8-мавзу.** Ортодонтияда аппаратлар билан даволаш усули. Ортодонтик аппаратлар таснифлари. Ортодонтияда аппаратлар ёрдамида даволаш усуллари.

#### **9-семестр.**

**1–мавзу.** Механик таъсир қилувчи ортодонтик аппаратлар. Уларни қўллашга кўрсатма ва қарши кўрсатмалар. Брекет системаси.

**2-мавзу.** Функционал йўналтирувчи ва функционал таъсир қилувчи ортодонтик аппаратлар. Қия текисликни таъсир қилиш механизми. РФФ турлари.

**3-мавзу.** Аралаш таъсир этувчи ортодонтик аппаратлар. Уларни қўллашга бўлган кўрсатма ва қарши кўрсатмалар. Ортодонтик ретенцион аппаратлар. Ретенцион аппаратларни тузилиши.

**4–мавзу.** Тишларни хажм ва микдор аномалиялари. Адентия турлари, этиология, клиника ва даволаши. Ортиқ сонли тишлар. Этиология, клиника, даволаш усуллари. Тишлар ретенцияси. Сабаблари. Даволаш усуллари.

**5–мавзу.** Тишлар жойлашиши ва чиқиши аномалиялари. Қозиқ тишлар дистопиясининг этиопатогенези, клиникаси ва даволаш усуллари. Диастема, унинг турлари. Клиникаси, этиологияси ва даволаш усуллари.

#### **10-семестр.**

**1–мавзу.** Прогнатик прикус. Прогнатик прикуснинг шаклланиши. Этиология ва патогенези. Клиникаси, текшириш ва даволаш усуллари.

**2-мавзу.** Прогеник прикус. Прогеник прикус турлари. Этиологияси, патогенези. Прогеник прикусни клиникаси, ташхиси ва даволаш усуллари.

**3-мавзу.** Очиқ прикус. Очиқ прикус турлари. Этиопатогенези. Очиқ прикуснинг клиникаси, ташхиси ва даволаш усуллари.

**4-мавзу.** Чуқур прикус. Курак тишларни чуқур копланиши. Этиология, патогенези ва клиникаси. Чуқур прикусни ташхислаш ва даволаш йўллари.

**5-мавзу.** Кесишган прикус. Кесишган прикус турлари, этиология ва патогенез. Кесишган прикусни ташхислаш, клиникаси ва даволаш усуллари.

**7-мавзу.** Ортодонтик даволашда юзага келадиган хато ва асоратлар, уларнинг олдини олиш ва бартараф қилиш. Кайталаниш сабаблари. Олдини олиш усуллари.

### ***3.2.2. Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:***

Модул бўйича машғулотлар 50% назарий (маъруза ва амалий машғулот) ва 50% амалий қисм (ўқув клиник амалиёт)дан иборат бўлган ҳолда ўтказилади.

Амалий машғулотлар мультимедиа қурилмалари билан жиҳозланган аудиторияда бир академик гуруҳга бир ўқитувчи томонидан ўтказилади.

Амалий машғулотларни ўтказишда қуйидаги дидактик тамойилларга амал қилинади:

- Амалий машғулотларни мақсадини аниқ белгилаб олиш;
- Ўқитувчининг инновацион педагогик фаолияти бўйича билимларни чуқурлаштириш имкониятларига талабаларда қизиқиш уйғотиш;
- Талабада натижани мустақил равишда қўлга киритиш имкониятини таъминлаш;
- Талабани назарий-методик жиҳатдан тайёрлаш ва ҳ.к.

### ***3.2.3. Модулни ўқитиш давомида эгалланадиган амалий кўникмалар ва компетенциялар:***

***Модул давомида эгалланадиган амалий кўникмалар рўйхати:***

Ортодонтия модули бўйича клиник ўқув амалиётни ўтиш даврида талабалар қуйидаги амалий кўникмаларни ўзлаштиришлари кўзда тутилган:

#### **7-8-семестр**

- 1) эластик масса ёрдамида қолип олиш;
- 2) жағларнинг диагностик моделларини қуйиш;
- 3) антропометрик ўлчамларни ўтказиш;
- 4) ТРГ- тахлилини ўтказиш.

#### **9-семестр**

- 1) ортодонтик аппарат, ечиладиган ва ечилмайдиган болалар протезларини созлаш;
- 2) ортодонтик аппарат, ечиладиган ва ечилмайдиган болалар протезларини ўрнатиш;

3) ортодонтик аппарат, ечиладиган ва ечилмайдиган болалар протезларини тез қотувчи пластмасса ёрдамида қайта тиклаш.

### **10-семестр**

- 1) ортодонтик-биологик сепарацияни ўтказиш;
- 2) ёйли ортодонтик аппаратни активлаш;
- 3) винтли ортодонтик аппаратни активлаш;
- 4) турли пружинали ортодонтик аппаратни активлаш;
- 5) ечилмайдиган ортодонтик аппаратни активлаш.

### ***Модул давомида эгалланадиган компетенциялар (номи, коди) рўйхати:***

УК 1<sup>1</sup>. Абстракт фикр юритиш, ҳодисаларни таҳлил ва синтез қилиш қобилиятига эга бўлиш;

УК 2. Дунё қарашни шакллантириш учун фалсафий билимларнинг асосларидан фойдаланиш қобилияти;

УК 3. Ностандарт вазиятларда ҳаракат қилиш қобилияти, қабул қилинган қарорлар учун ижтимоий ва ахлоқий жавобгарликни олишга тайёрлик;

УК 4. Ўз-ўзини ривожлантиришга, англашга, ўқишга, ижодий салоҳиятдан фойдаланишга тайёрлик;

УК 5. Фавқулоддаги вазиятларда биринчи тиббий ёрдам техникасини, ҳимоя усуллари қўллашга тайёрлик;

УКК 1<sup>2</sup>. Касбий фаолиятнинг стандарт вазифаларини даволаш ва профилактика стандартлари талабларини ҳисобга олган ҳолда ҳал қилишга тайёргарлик.

УКК 196. Энгль бўйича тишлов турини аниқлаш.

УКК 197. Изар бўйича юз турларини аниқлаш.

УКК 198. Пон бўйича тиш ёйи торайганлини аниқлаш.

УКК 199. Коркхауз (Korkhaus) бўйича тиш ёйи олд қисмининг узайганлиги ёки қисқалигини аниқлаш.

УКК 200. Миогимнастик машқларни бажариш.

УКК 201. Прогнатик прикусдаги миомашқларни ўтказиш.

УКК 202. Прогеник прикусдаги миомашқларни ўтказиш.

УКК 203. Тил мушаклари учун машқлар ўтказиш.

УКК 204. Очик прикусдаги миомашқлар ўтказиш.

УКК 205. Индивидуал бош қалпоқчаси тайёрлаш

УКК 206. Энгак ости сопқонини тайёрлаш

УКК 207. Тиш қаторларни тўғри тишловига ҳалақит берадиган қозиқ ва бошқа тишларни дўмбоқларини танлаб чархлаш.

УКК 208. Ортодонтик-биологик сепарацияни ўтказиш

УКК 209. Ортодонтик мосламалар (ҳалқа, қопламалар) ни таянч тишларда ўлчаб кўриш

---

<sup>1</sup> УК- умумий компетенция

<sup>2</sup> УКК – умумий касбий компетенция

- УКК 210. Ортодонтик пластинкани тез қотувчи пластмасса ёрдамида қайта тиклаш
- УКК 211. Ортодонтик даволанаётган беморларда вестибуляр ёйли пластинкани активлаш.
- УКК 212. Ортодонтик даволанаётган беморларда винтли пластинкани активлаш.
- УКК 213. Ортодонтик даволанаётган беморларда итариб чиқарувчи пружинали пластинкани активлаш.
- УКК 214. Ортодонтик даволанаётган беморларда қўлсимон пружинали пластинкани активлаш.
- УКК 215. Таянч тишлардан ортодонтик халқаларни ечиш ва тишларнинг қаттиқ тўқималарига ишлов бериш.
- УКК 216. Тез қотувчи пластмасса ёрдамида тишлов баландлигини кўтариш учун ортодонтик каппалар тайёрлаш.
- УКК 217. Болаларда сунъий қопламаларни тайёрлаш.
- УКК 218. Болаларда вақтинчалик кўприксимон қопламаларни тайёрлаш.
- УКК 219. Болаларда вақтинчалик консол қопламаларни тайёрлаш.
- УКК 220. Болаларда қисман олиб қўйилувчи тиш протезларини тайёрлаш.

***Модул давомида клиник ўқув амалиётини ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:***

Талабаларнинг Ортодонтия модули бўйича клиник ўқув амалиёти таълим жараёнининг 50% ташкил қилади ва ортодонтия поликлиникасида ўтказилади.

Амалий машғулотда амалий кўникмаларга ўргатиш жараёни батафсил режалаштирилади ва бир неча босқични ўз ичига олади:

1. Биринчи босқич – машғулотнинг мақсади ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўрганилаётган амалий кўникмани ўрганиш мотивацион асоси аниқланади, унинг назарий жиҳатлари муҳокама қилинади. Амалий кўникмаларни амалга ошириш учун керакли асбоб анжомлар ишлаш механизми, ишлатиш қоидалари билан талабалар таништирилади.

Биринчи босқични амалга ошириш учун кафедрада барча асбоб анжомлар мавжуд ва ишчи ҳолатда бўлиши лозим.

2. Иккинчи босқич – амалий кўникмани намоёиш қилиб бериш ва кўп марта машқ қилиш. Бу босқични амалга ошириш учун амалий кўникмаларни кадамма-кадам алгоритми педагог томонидан ва видеофильмлар орқали намоёиш этилади, алгоритм асосида босқичма-босқич тўғри бажаришга алоҳида эътибор қаратилади. Талаба амалий кўникмани мустақил, бироқ педагог назорати остида муляжлар, тренажёрлар, фантомлар ва манекенларда, талабалар ўзаро бир-бирида кўп марта машқ қилиб ўрганадилар. Бошида барча босқичларини алоҳида, сўнг умумлаштирган ҳолда тўлиқ ва тўғри бажара

олгандан сўнг беморда қўллашга рухсат берилади (имитацион тренинг).

Иккинчи босқични амалга ошириш учун кафедра томонидан ишлаб чиқилган амалий кўникмалар қадамма қадам алгоритми ва видеофильми, ўқув-услубий қўлланмаси, бажариш схемаси ёки техникаси ва ҳ.к., баҳолаш мезонлари ишлаб чиқилган бўлиши лозим. Муляжлар, тренажёрлар, фантомлар ва манекенлар, имитаторлар, асбоб анжомлар бўлиши лозим ва керакли шарт шароитлар (максимал даражада иш шароитига яқин моделлаштирилган) яратилиши лозим. Бу босқичда педагог назорат қилади ва керак бўлганда талабалар ишидаги хатоликларни тўғирлайди. Бу жараёнда талаба ҳаракатлари видеотасвирга олиниб ўзига намоёиш этилиши, танқидий муҳокама қилиниши мумкин. Талаба, унинг хатоси нимада эканлигини, ўқитувчига ва бошқа талабаларга тушунтириб беради ва сўнгра муолажани такрорлайди. Интерфаоллик шунда намоён бўладики, бунда бошқа талабалар эксперт сифатида чиқишда ва ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирганлигини баҳолашда иштирок этадилар. Амалий кўникма автоматизм дарасигача етказилиши мақсадга мувофиқ.

3. Учинчи босқич - ўрганилган билим ва амалий кўникмани бемор (фантом, волонтер) да қўллаш. Бу босқичда талаба ўзлаштирилган билим ва амалий кўникмани турли хил клиник ҳолатларда (шу жумладан шошилиш ҳолатларда) қўллашга, олинган натижаларни таҳлил қилишга ва шу маълумотлар асосида ҳаракат тактикасини белгилашга педагог назоратида ўргатилади.

Учинчи босқични амалга ошириш учун кафедра томонидан ишлаб чиқилган ўқув, услубий қўлланмалар, фотосуратлар, вазиятли масалалар ва тестлар тўплами, кейслар, клиник протоколлар, диагностика ва даволаш стандартлари, ўргатувчи касаллик тарихлари ва амбулатор карталар ва ҳ.к. ишлатилиши лозим. Интерфаоллик шунда намоён бўладики, бунда бошқа талабалар нафақат эксперт сифатида чиқишда ва ўқитилаётган талабанинг амалий кўникмани тўғри ўзлаштирилганлигини баҳолашда, балки командада ишлашда иштирок этадилар.

4. Тўртинчи босқич – ҳулоса. Бу босқичда педагог талаба томонидан олинган билим ва эгаллаган кўникмани беморларда, турли хил вазиятларда, фаолият жараёнида тўғри ва тўлиқ қўллай олишига ишонч ҳосил қилиши керак ва шунда амалий кўникма ўзлаштирилди деб ҳисобланади.

Тўртинчи босқични амалга ошириш учун талаба бемор билан мустақил ишлаши педагог томонидан назорат қилинади, тиббий ҳужжатларни, касаллик тарихини ёзиб ҳимоя қилганда баҳоланади.

Машғулот сўнггида ўқитувчи ҳар бир талабанинг амалий кўникмани ўзлаштирилганлигини тасдиқлайди. Талаба амалий кўникмани ўзлаштира олмаган вазиятларда, машғулотдан ташқари вақтда мустақил ўзлаштириш тавсия

этилади ва педагогга қайта топширади. Талаба барча амалий кўникмаларни ўзлаштирган ҳолда модулни ўзлаштирган ҳисобланади.

Амалий кўникмаларни шифокор-педагог назоратида сон ва сифат жиҳатдан бажарилади ва кундалик (амалий кўникма) дафтарларида акс этади. Амалий кўникмалар ассистент-талаба, талаба-фантом, талаба-волонтер, талаба-бемор услубида автоматизм даражасига етказиш лозим.

#### **4. Мустақил таълим ва мустақил ишлар ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар**

##### ***4.1. Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулар рўйхати:***

##### **7-8-семестр**

1. Рубинов бўйича юз-жағ соҳаси мушакларининг рефлекслари.
2. Ортодонтияда аппаратлар билан даволаш ҳисобига атроф тўқималарда юзага келадиган морфо-функционал ўзгаришлар.
3. Биомеханика асослари.
4. Миогимнастика асослари.
5. Профилактик ортодонтик мосламалар.
6. Физиологик тишлов турлари ҳақида тушунчалар.

##### **9-семестр**

1. Турли ортодонтик аппаратлар. Уларнинг таъсир қилиш механизми.
2. Кўп сонли бирламчи адентия ва унинг ташхислаш йўллари. Ангидротик эктодермал дисплазия.
3. Юқори ва пастки жағларнинг ривожланиши аномалияси. Альвеоляр ўсиқ ва тишлар билан боғлиқлиги.
4. ЧПЖБ дисфункцияси ва окклюзия.
5. Турли аномалия турлари. Ортодонтик даволаш тамоиллари. Кўрсатма ва қарши кўрсатмалар.

##### **10-семестр**

1. ТЖТ иккиламчи деформацияларида комплекс даволаш усуллари
2. Тишларнинг йуқотилиши билан боғлиқ тиш-жағ аномалиялари ва улар билан боғлиқ бўлган чакка-пастки жағ бўғимининг ўзгарилиши. Асоратларни олдини олиш.
3. Лаб ва танглайнинг туғма кемтикларда ортодонтик даволаш тамоиллари.
4. Болалар протезларининг ўзига хос хусусиятлари.
5. Ретенция. Рецидив.

##### ***4.2. Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг шакллари:***

Ортодонтия модули модули бўйича мустақил иш аудитория ва аудиториядан ташқари ўтказилади.

Талаба мустақил ишини ташкил этишда қуйидаги шакллардан фойдаланилади:

- аудитория машғулотларидан ташқари тренажер, муляж ва симуляцион залларида/марказларида тасдиқланган амалий кўникмаларни педагог назоратида сон ва сифат жиҳатдан бажариш ва амалий кўникмаларни ўзлаштириш дафтарларида акс эттириш.

- тиббиёт ОТМ клиникалари ва клиник ўқув базаларида аудиториядан ташқари ташкиллаштирилган клиник навбатчиликда тасдиқланган амалий кўникмаларни навбатчи шифокор-педагог назоратида сон ва сифат жиҳатдан бажариш ва навбатчилик дафтарларида акс эттириш;

- бирламчи бўғин тиббий муассасаларида аҳолини профилактик кўрик, беморларни диспансерлаш, патронажларда қатнашиш;

- беморлар курациясида даволовчи ёки навбатчи шифокор билан назорат қилишда иштирок этиш;

- айрим назарий мавзуларни ўқув адабиётлари ёрдамида мустақил ўзлаштириш;

- берилган мавзулар бўйича ахборот (реферат, презентация) тайёрлаш;

- назарий билимларни амалиётда қўллаш;

- модулнинг бўлимлари ёки мавзулари устида махсус ёки илмий адабиётлар (монографиялар, мақолалар) бўйича ишлаш ва маърузалар қилиш;

- илмий мақола, анжуманга маъруза тезисларини тайёрлаш;

Шунингдек, талабанинг мустақил иши бўлиб:

- аҳоли орасида санитар оқартув ишларни суҳбат ва маърузаларни ўтказиш;

- модулни фаол ўзлаштиришда талабаларни олимпиада, танловлар, кўргазма, анжуманлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиши ҳисобланади;

- автоматлаштирилган ўргатувчи ва назорат қилувчи тизимлар билан ишлаш;

- лойиҳалаштириш дастурлари, органайзерлардан мустақил иш жараёнида кенг қўллаш ва ҳ.к.

- презентация ва видеороликлар тайёрлаш ҳамда мустақил иш жараёнида кенг қўллаш ва ҳ.к.

#### **4.3. Мустақил таълим ва мустақил ишлар ташкил этиш бўйича умумий кўрсатма ва тавсиялар:**

Мустақил ишни бажариш учун талабага ахборот манбаси сифатида дарслик ва ўқув қўлланмалар, методик қўлланма ва кўрсатмалар, маълумотлар тўплами ва банки, илмий ва оммавий даврий нашрлар, Интернет тармоғидаги тегишли маълумотлар, берилган мавзу бўйича аввал бажарилган ишлар банки ва бошқалар хизмат қилади.

Талаба мустақил ишининг вазифалари қуйидагилардан иборат: янги билимларни мустақил тарзда пухта ўзлаштириш кўникмаларига эга бўлиш;

- керакли маълумотларни излаб топишнинг қулай усуллари ва воситаларини аниқлаш;
- ахборот манбаларини ва манзилларидан самарали фойдаланиш;
- анъанавий ўқув ва илмий адабиётлар ва маълумотлар банки билан ишлаш;
- интернет тармоғидан мақсадли фойдаланиш;
- берилган топшириқнинг рационал ечимини белгилаш;
- маълумотлар базасини таҳлил этиш;
- иш натижаларини экспертизага тайёрлаш ва эксперт хулосаси асосида қайта ишлаш;
- топшириқларни бажаришда тизимли ва ижодий ёндашиш;
- муаммоларни мустақил ҳал қилиш кўникмаларига эга бўлиш;
- ишлаб чиқилган ечим, лойиҳа ёки ғояни асослаш ва мутахассислар жамоасида ҳимоя қилиш.

### **Курс иши (лойиҳаси) кўрсатма ва тавсиялар**

Модул бўйича курс иши намунавий ўқув режасида кўзда тутилмаган.

### **Модул бўйича талабалар билимини назорат қилиш турлари ва баҳолаш мезонлари**

Ортодонтия модули бўйича назорат турлари ва баҳолаш мезонлари ҳақидаги маълумот модул бўйича биринчи машғулотда талабаларга эълон қилинади.

Талабаларнинг модул бўйича ўзлаштириш даражасининг Давлат таълим стандартларига мувофиқлигини таъминлаш учун қуйидаги назорат турлари ўтказилади:

- жорий назорат (ЖН);
- якуний назорат (ЯН).

Модулга ажратилган 7 кредитни талаба ЖН давомида йиғади.

<b>№</b>	<b>Баҳолаш тури</b>	<b>Кредит сони</b>
1	Жорий назорат	7,0
2	Якуний назорат	0
	Жами	7,0

### **ЖОРИЙ НАЗОРАТ (ЖН)**

Жорий назоратда талабанинг модул мавзулари бўйича билим, амалий кўникма ва компетенцияларни эгаллаш даражасини аниқлаш ва баҳолаб бориш кўзда тутилади. Ортодонтия модули бўйича ЖН оғзаки, ўргатувчи-назорат тестлари, тарқатма материаллари билан ишлаш, вазиятли масалалар,

муляж ва фантомларда ишлаш маълумотларини ўрганиш, беморлар билан ишлаш, уйга берилган вазифаларни текшириш ва шу каби бошқа шаклларда ўтказилиши мумкин.

Баҳолашда талабанинг билим даражаси, амалий машғулот материалларини ўзлаштириши, назарий материал муҳокамасида ва таълимнинг интерактив усулларида иштирокининг фаоллик даражаси, шунингдек, амалий билим ва кўникмаларни ўзлаштириш даражаси, компетенцияларни эгаллаш (яъни назарий, аналитик ва амалий ёндошувлар) ҳисобга олинади.

Ҳар бир машғулотда барча талабалар баҳоланиши шарт. Максимал балл 100, ўтиш бали 55 балл.

Жорий назорат учун ажратилган 7 кредит қуйидагича тақсимланади:

Тиш-жағ тизими аномалия ва деформацияларини ташҳислаш – 3 кредит;

Тиш-жағ тизими аномалия ва деформацияларини даволаш – 4 кредит.

Талаба ҳар бир бўлимдан белгиланган кредитларни тўплагандан кейингина якуний назоратга киритилади.

Жорий назоратда саралаш (ўтиш) баллидан кам балл тўплаган ва узрли сабабларга кўра назоратларда қатнаша олмаган талабага қайта топшириш учун, навбатдаги шу назорат туригача, сўнгги жорий назорат учун якуний назоратгача бўлган муддат берилади.

Касаллиги сабабли дарсларга қатнашмаган, ҳамда белгиланган муддатларда жорий назоратни топшира олмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда топширишга рухсат берилади.

Семестр якунида модул бўйича жорий назоратда саралаш баллидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида модулни ўзлаштира олмаган талаба факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан курсдан курсга қолдирилади.

### **Модул бўйича талаба рейтинги қуйидагича аниқланади:**

<b>Балл</b>	<b>ECTS баҳо</b>	<b>ECTS нинг таърифи</b>		<b>Баҳо</b>	<b>Таърифи</b>
86-100	А	"аъло" – аъло натижа, минимал хатоликлар билан	модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши; терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши; муаммоли саволларни аниқлаши,	5	аъло

			<p>ўз қарашларини илмий-амалий тилда асослаб бера олиши;</p> <p>модулнинг таянч тушунчаларини билиши ва уни қисқа вақт ичида илмий ва амалий масалаларни ечишда самарали қўллай олиши;</p> <p>ностандарт вазиятларда муаммоларни мустақил ва ижодий ҳал қила олиш қобилиятини кўрсата олиши;</p> <p>амалий кўникмаларни мустақил равишда тўлиқ бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни тўлиқ эгаллаши;</p> <p>амалий масалаларни қисқа, асосланган ва рационал равишда ҳал этиши;</p> <p>модул дастурида тавсия этилган асосий ва қўшимча адабиётларни тўлиқ ва чуқур ўзлаштириши;</p> <p>модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаш, уларга танқидий баҳо бериш ва бошқа модуллар илмий ютуқларини қўллай олиши;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда юқори маданият даражасига эга бўлиши лозим;</p>		
81-85	В	"жуда яхши" – ўртадан юқори натижа, айрим хатоликлар билан	<p>модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши;</p> <p>терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаш;</p> <p>ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши;</p> <p>модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичида илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши;</p> <p>стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши;</p> <p>амалий кўникмаларни мустақил</p>	4	яхши

			<p>равишда тўлиқ бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни тўлиқ эгаллаши;</p> <p>амалий машғулотларда норматив-ҳукукий ҳужжатларни яхши билишини намоиш қилиши, ушбу билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги;</p> <p>модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши;</p> <p>ўрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда жуда яхши маданият даражасига эга бўлиши лозим;</p>		
71-80	С	"яхши" – ўртача натижа, сезиларли хатоликлар билан	<p>модул дастурининг барча бўлимлари бўйича тизимли, тўла ва чуқур билимга эга бўлиши, зарур далиллар билан асослай олиши, аммо бир оз камчиликлар билан;</p> <p>терминологиядан (шу жумладан, илмий, хорижий тилда ҳам) аниқ, ўз ўрнида фойдаланиши, саволларга жавобни мантиқан тўғри, стилистик саводли равишда ифодалаши;</p> <p>ўз фикрини исботлашда ёки бошқа назарий материални баён қилишда юзага келган ноаниқликларни мустақил бартараф эта олиши;</p> <p>модулнинг таянч тушунчаларини билиши, қисқа вақт ичида илмий ва касбий вазифаларни қўйиш ҳамда ҳал қилишда ундан унумли фойдаланиши;</p> <p>стандарт вазиятларда муаммоларни ўқув дастури доирасида мустақил ҳал қила олиши;</p> <p>амалий кўникмаларни мустақил равишда бажара олиши (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) ва компетенцияларни эгаллаши, аммо бир оз камчиликлар билан;</p> <p>амалий машғулотларда норматив-ҳукукий ҳужжатларни яхши билишини намоиш қилиши, ушбу</p>		

			<p>билимларни янги вазиятларда тўғри (лекин доим ҳам рационал эмас) қўллай олиши, бажарилган иш натижаларини етарли даражада расмийлаштира олмаганлиги;</p> <p>модул дастурида тавсия қилинган асосий адабиётларни ўзлаштириши;</p> <p>ўрганилаётган модул бўйича назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англай олиши ва уларга танқидий баҳо бериши;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда бутун семестр мобайнида ижодий ва мустақил қатнашиши, гуруҳли муҳокамаларда фаол бўлиши, вазифаларни бажаришда яхши даражага эга бўлиши лозим;</p>		
60-70	D	"қониқарли" – сусти натижа, қўпол камчиликлар билан	<p>Давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида етарли билим ҳажмига эга бўлиши;</p> <p>терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим хатоларга йўл қўйиши;</p> <p>жавоб беришга ёки айрим махсус кўникмаларни намойиш қилишда қийналганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши;</p> <p>амалий кўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) мустақил аммо хатоликлар билан тўлиқ бажара олиши;</p> <p>компетенцияларни мустақил, аммо хатоликлар билан эгаллаши;</p> <p>модульнинг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллай олиши;</p> <p>педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши;</p> <p>ўқилаётган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда педагог ходим раҳбарлигида қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;</p>	3	Қониқарли
55-59	E	"ўрта" – минимал натижага	<p>Давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида қониқарли билим ҳажмига эга бўлиши;</p>		

		тенг	<p>терминологияни ишлатиши, саволларга жавобларни тўғри баён қилиши, лекин бунда айрим қўпол хатоларга йўл қўйиши;</p> <p>жавоб беришга ёки айрим махсус кўникмаларни намойиш қилишда қийналганда ва хатоларга йўл қўйганда, модул бўйича асосий тушунчага эга эканлигини намойиш этиши;</p> <p>амалий кўникмаларни (сифати ва белгиланган сони жиҳатдан) мустақил эмас ва хатоликлар билан тўлиқ бажара олиши;</p> <p>компетенцияларни мустақил эмас ва хатоликлар билан эгаллаши;</p> <p>модульнинг умумий тушунчалари бўйича қисман билимга эга бўлиши ва уни стандарт (намунавий) вазиятларни ҳал этишда қўллаш олиши;</p> <p>педагог ходим ёрдами билан стандарт вазиятларни ҳал эта олиши;</p> <p>ўқиётган модул бўйича асосий назариялар, концепциялар ва йўналишлар моҳиятини англаши, уларга баҳо бера олиши;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда педагог ходим раҳбарлигида қатнашиши, вазифаларни бажаришда етарли маданият даражасига эга бўлиши лозим;</p>		
31-54	FX	"қониқарсиз" – минимал даражадаги билимларни олиш учун қўшимча мустақил ўзлаштириши зарур	<p>Давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида фақат айрим фрагментар билимларга эга бўлса;</p> <p>илмий терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий мантиқий хатоларга йўл қўйса;</p> <p>назарий ва амалий машғулотларда пассив қатнашиб, вазифалар бажариш маданиятининг паст даражасига эга бўлса;</p> <p>амалий кўникмаларга ва компетенцияларга эга бўлмаса, ўз хатоларини ҳатто педагог ходим тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай олмаса.</p>	2	Қониқарсиз
0-30	F	"мутлоқ қониқарсиз" – тўлиқ қайта ўзлаштириши лозим	<p>Давлат таълим стандартлари (талаблари) доирасида фақат айрим фрагментар билимларга эга бўлса;</p> <p>терминларни ишлата олмаса ёки жавоб беришда жиддий ва қўпол мантиқий хатоларга йўл қўйса ёки умуман жавоб бермаса;</p>		

			<p>назарий ва амалий машғулотларда          пассив қатнашиб, вазифалар бажариш          маданиятининг паст даражасига эга          бўлса ёки умуман бажармаса;          амалий кўникмаларга ва          компетенцияларга эга бўлмаса, ўз          хатоларини ҳатто педагог ходим          тавсиялари ёрдамида ҳам тўғрилай          олмаса.</p>		
--	--	--	---------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--	--

### ЯКУНИЙ НАЗОРАТ (ЯН)

ЖНга ажратилган кредитларни тўлиқ тўплаган талаба ЯНга киритилади. ЯН модул якунида ОСКЭ + тест шаклида ўтказилади. Бунда талабаларнинг компетенцияларни, амалий кўникмаларни эгаллаш даражаси ва назарий билимлари текширилади. ОСКЭда 8 станция, улардан 7 та савол ва 1та амалий кўникма берилади. Ҳар бир саволга 10 баллдан, амалий куникмага – 30 балл берилади. Максимал балл 100, ўтиш бали 55 балл. ЯНда саралаш балини (55) йиға олмаган талаба ЯНдан ўтмаган ва модулни ўзлаштирмаган деб ҳисобланади (ЖНда тўлиқ кредитни йикқан бўлса ҳам).

Таълим муассасаси ректорининг буйруғи билан ички назорат ва мониторинг бўлими раҳбарлигида тузилган комиссия иштирокида якуний назоратни ўтказиш жараёни даврий равишда ўрганиб борилади ва уни ўтказиш тартиблари бузилган ҳолларда, якуний назорат натижалари бекор қилинади ва якуний назорат қайта ўтказилади.

Касаллиги сабабли якуний назоратни топшира олмаган талабаларга факультет декани фармойиши асосида, ўқишни бошлаганидан сўнг икки ҳафта муддатда топширишга рухсат берилади.

Семестр якунида якуний назоратда саралаш баллидан кам балл тўплаган талаба академик қарздор ҳисобланади.

Академик қарздор талабаларга семестр тугаганидан кейин қайта ўзлаштириш учун бир ой муддат берилади. Шу муддат давомида модулни ўзлаштира олмаган талаба факультет декани тавсиясига кўра белгиланган тартибда ректорнинг буйруғи билан курсдан курсга қолдирилади.

Талаба назорат натижаларидан норози бўлса, модул бўйича назорат тури натижалари эълон қилинган вақтдан бошлаб, бир кун мобайнида факультет деканига ариза билан мурожаат этиши мумкин. Бундай ҳолда факультет деканининг тақдимномасига кўра ректор буйруғи билан 3 (уч) аъзодан кам бўлмаган таркибда апелляция комиссияси ташкил этилади.

Апелляция комиссияси талабаларнинг аризаларини кўриб чиқиб, шу куннинг ўзида хулосасини билдиради.

Баҳолашнинг ўрнатилган талаблар асосида белгиланган муддатларда ўтказилиши ҳамда расмийлаштирилиши факультет декани, кафедра мудири,

ўқув бўлими ҳамда ички назорат ва мониторинг бўлими томонидан назорат қилинади.

## **5. Асосий ва қўшимча ўқув адабиётлар ҳамда ахборот манбалари**

### **5.1. Асосий адабиётлар:**

1. Нигматов Р.Н., Шомухамедова Ф.А. Ортодонтия, Дарслик. Тиббиёт олий ўқув юртларининг “Стоматология” факултети талабалари учун.1-жилд. Тошкент. 2020 й.
2. Нигматов Р.Н., Шомухамедова Ф.А. Ортодонтия, Дарслик. Тиббиёт олий ўқув юртларининг “Стоматология” факультети талабалари учун. 2-жилд. Тошкент. 2020 й.
3. Хабилов.Н.Л, Шаамухамедова.Ф.А, Арипова.Г.Э, Муртазаев.С.С, Мирсалихова.Ф.Л, Насимов.Э.Э. Ортодонтия с детским зубным протезированием, Учебник. Ташкент. 2016 г.
4. Абдуазимов А.Д. Ортодонтия ва болалар учун тиш протезлари, Дарслик. Тошкент. 2002 й. (кирилл). 2012 й. (лотин).

### **5.2. Қўшимча адабиётлар:**

1. Хорошилкина Ф.Я. Ортодонтия, Учебник. Москва. 2010 г.
2. Клемин В.А. Диагностика и лечение заболеваний ВНЧС, Учебное пособие. Москва. 2010 г.
3. Дуайт Даймон. Рабочая тетрадь ортодонта. Руководство по применению системы пассивного самолигирования Damon System 2. Санкт-Петербург. 2008 г.
4. Проффит У.Р. Современная ортодонтия, Учебник. 3-изд. Москва. 2006 г.
5. Трезубов В.Н. Ортодонтия, Учебник. Н.Новгород. 2001 г.
6. Дистель В.А. Пособие по ортодонтии, Учебное пособие. Н.Новгород. 2000 г.

### **5.3. Интернет сайтлари:**

1. [www.google.uz](http://www.google.uz).
2. [www.tsdi.uz](http://www.tsdi.uz)
3. [www.ortodont.ru](http://www.ortodont.ru)
4. [www.Stomatolog.ru](http://www.Stomatolog.ru).
5. [www.medinks.ru](http://www.medinks.ru).
6. [www.dentalcentr.com/ortodontiya](http://www.dentalcentr.com/ortodontiya)
7. [www.ortofil.ru](http://www.ortofil.ru)
8. [www.booksmed.ru](http://www.booksmed.ru).

**ОРТОДОНТИЯ МОДУЛИДАН  
СИЛЛАБУС**

Модулнинг номи	тўлиқ	Ортодонтия	
Модул коди:	Кредит ҳажми: умумий – 7 кредит Жорий назорат учун ажратилган кредит қуйидагича тақсимланади: 7-семестр учун – 1 кредит; 8-семестр учун – 2 кредит; 9 семестр учун– 2 кредит; 10 семестр учун– 2 кредит; ЯБ –0 кредит (ўтилиши мажбурий)	Модул ўтилиш даври: 7-10 семестр	ECTS value: 8
Таълим йўналиши	5510400 – «Стоматология»	4-5 босқич бакалаврлари	
Модулнинг давомийлиги			
Ўқув соатлари ҳажми:	Жами соат:	252	
	Шунингдек:		
	маъруза	22	
	амалий машғулот	117	
	мустақил таълим	113	
Ўқув модулининг статуси	Мутахассислик	модуллар	блоки
ОТМ номи, манзили			
Кафедра номи			
Мазкур курснинг ўқитувчилари ҳақида маълумот	Маърузачиларнинг Ф.И.Ш. Амалий машғулот ўтказувчиларнинг Ф.И.Ш.	E-mail: E-mail:	
Машғулот вақти ва жойи			
Модулнинг мазмуни	Модул ортодонтия амалиётида тишлар, тиш қаторлари ва тишловни тиклаш учун ташхислаш, клиник синамалар, клиник-функционал текшириш усуллари, ортодонтик даволаш, ҳамда аномалия- деформацияларни олдини олишда бўлғуси умумий амалиёт стоматологида клиник фикрлаш, касаллик ва унинг белгиларини асослаш учун замин яратиб беради.		
Пререквизитлар	тиббий биология, умумий генетика, биофизика, тиббий кимё, биокимё, анатомия, физиология, фармакология, преклиник реставрацион стоматология, клиник реставрацион стоматология, ортопедик стоматология пропедевтикаси, олинмайдиган тишлар билан протезлаш, олинадиган тишлар билан протезлаш, тиббий радиология		
Постреквизитлар	клиник эндодонтия, тўлиқ олинадиган тишлар билан протезлаш, пародонтология, болалар оғиз бўшлиғи шиллик қавати модуллари		
Модулнинг мақсади	талабаларни клиник фикрлаш қобилиятини ўстиришга қаратилган услубларни замонавий педагогик технологиялар		

	орқали, яъни тиш, тиш қаторлари, тишлов аномалия ва деформацияларининг келиб чиқиш сабаблари, ривожланиш механизми, клиникаси, ташхис, қиёсий ташхис, даволаш усуллари ҳамда уларни олдини олиш чора-тадбирларини ўргата бориш ва шакллантиришдан иборат
Модулнинг вазифалари	модулнинг бўлимларига тегишли билимлар билан талабаларни босқичма-босқич таништира бориш, ўргата бориш ва кўникмаларни ҳосил қилиш; янги педагогик технологияларни дарс жараёнига тадбиқ этиб, талабада клиник фикрлаш қобилиятини ўстириш ва билимини сақлаш даражасини ошириш; талабанинг клиник фикрлаш қобилиятини ўстиришга қаратилган стандартга мос амалий кўникмаларни ассистент-талаба, талаба-фантом услубида автоматизм даражасига етказиш; модул соҳасига тааллуқли тиш, тиш қаторлари, тишлов аномалия ва деформацияларининг ташхиси, даволаш ва профилактика усуллариининг зарурий жиҳатлари тўғрисида маълумот бериш
Модул талабалар кўникма малакаларига кўйиладиган талаблар	<p><b>бўйича билими, ва</b></p> <p><b>7-8-семестр:</b>  <b>Талаба тасаввурга эга бўлиши керак:</b>  ортодонтия поликлиникасида ортодонт-стоматолог иш ўрни ва вазифалари;  ортодонтия амалиётида ишлатиладиган хом ашёларни таркиби, хусусиятлари, қўллашга бўлган кўрсатмалар;  ортодонтик (позиционер, дистал амбир, лигатураларни боғлайдиган қисқич, Адерер амбири) асбобларнинг тузилиши ва қўллаш учун кўрсатмалар;  беморни бошқа мутахассис маслаҳатига юбориш;  ортодонтик таснифларнинг турлари;  бурундан нафас ололмаганида нима бўлиши;  тил юганчаси калталигида нима бўлиши;  зарарли одатларда нима бўлиши;  инфантил ютинишда нима бўлиши;  тиш жағ тизимини турли ривожланиш даврларини морфо-функционал хусусиятлари;  тиш жағ тизимини актив ўсиш даврлари;  физиологик ва патологик прикусларни фарқлаш;  тишлар силжигинида ҳосил бўладиган морфологик ўзгаришлар;  тиш, тиш қаторлари ва тишлов аномалиялари этиология, патогенез, ташхислаш ва профилактикаси;  миомашқлар ҳақида умумий тушунчалар;  болалар протезлари хусусиятлари ҳақида.</p> <p><b>Талаба билиши шарт:</b>  бирламчи ортодонтик беморнинг хужжатларини расмийлаштиришни (шакл № 39);  сўров, юз тузилиши ва оғиз бўшлиғи кўригини ўтказишни;  тишлов турини аниқлашни;  махсус текширув усулларни ўтказиш ва уларни таҳлилини;  стоматологик ускуналар билан ишлашда техника хавфсизлик қоидаларига риоя қилишни;</p>

Пон ва Линдер-Хард индексларини;  
Коргхаус индексларини;  
Тонн ва Еккел усулларини қўллашга кўрсатмани;  
рентгенологик тасвирларни таҳлил қилишни;  
миогимнастик машқларни бажаришдаги умумий қоидаларни;  
телерентгенографик нуқта, текислик ва бурчакларни.  
**Талаба бажара олиши лозим:**  
эластик масса ёрдамида қолип олиш;  
жағларнинг диагностик ва назорат моделларини қуйиш;  
Коркгауз бўйича тиш ёйи олд қисмининг узайганлиги ёки қисқалигини аниқлаш;  
Понн бўйича тиш ёйи торайганлини аниқлаш;  
Изард бўйича юз турларини аниқлаш;  
ечиладиган ва ечилмайдиган болалар протезларини созлаш ва ўрнатиш  
**Талаба қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши лозим:**  
эластик масса ёрдамида қолип олиш;  
жағларнинг диагностик ва назорат моделларини қуйиш;  
Коркгауз бўйича тиш ёйи олд қисмининг узайганлиги ёки қисқалигини аниқлаш;  
Понн бўйича тиш ёйи торайганлини аниқлаш;  
Изард бўйича юз турларини аниқлаш;  
ечиладиган ва ечилмайдиган болалар протезларини созлаш ва ўрнатиш.

**9 семестр**

**Талаба тасаввурга эга бўлиши керак:**  
ортодонтик аппаратлар таснифлари;  
ортодонтик аппаратлар конструкцияларини турлари ва уларни қўллашга кўрсатмалар ва қарши кўрсатмалар ҳақида.

**Талаба билиши шарт:**  
алоҳида тишлар ва тиш қаторлари аномалиялари, уларни ташҳислаш, даволаш ва олдини олишни.

**Талаба бажара олиши лозим:**  
ортодонтик аппаратни созлаш;  
ортодонтик аппаратни ўрнатиш;  
ортодонтик аппаратни активлаш;  
ечиладиган ва ечилмайдиган болалар протезларини созлаш ва ўрнатиш.

**Талаба қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши лозим:**  
ортодонтик аппаратни созлаш;  
ортодонтик аппаратни ўрнатиш;  
ортодонтик аппаратни активлаш;  
ечиладиган ва ечилмайдиган болалар протезларини созлаш ва ўрнатиш.

**10 семестр**

**Талаба тасаввурга эга бўлиши керак:**  
сагиттал йўналишдаги аномалиялар, уларни ташҳислаш, даволаш ва олдини олиш;

	<p>вертикал йўналишдаги аномалиялар, уларни ташҳислаш, даволаш ва олдини олиш;</p> <p>трансверзал йўналишдаги аномалиялар, уларни ташҳислаш, даволаш ва олдини олиш;</p> <p>иккиламчи деформация, патологик едирилиш ва пародонт касалликларида ортодонтик муолажаларга бўладиган кўрсатма ва қарши кўрсатмалар ҳақида.</p> <p><b>Талаба билиши шарт:</b> ортодонтияда юзага келадиган хато ва асоратлар, уларни олдини олишни.</p> <p><b>Талаба бажара олиши лозим:</b> ортодонтик-биологик сепарацияни ўтказиш; ортодонтик пластинкани тез қотувчи пластмасса ёрдамида қайта тиклаш; вестибуляр ёйли, винтли, итариб чиқарувчи пружинали пластинкани активлаш.</p> <p><b>Талаба қуйидаги кўникмаларга эга бўлиши лозим:</b> ортодонтик-биологик сепарацияни ўтказиш; ортодонтик пластинкани тез қотувчи пластмасса ёрдамида қайта тиклаш; вестибуляр ёйли, винтли, итариб чиқарувчи пружинали пластинкани активлаш.</p>
Таълим усуллари	бериш маъруза амалий машғулотлар.
Таъминот	видеофильмлар, мультимедияли ва ўқитувчи компьютер дастурлардан, ўқитиш методикасидаги янги технологиялардан, мавзулар бўйича назарий билимларни сўрашдан фойдаланилади; бакалаврларнинг мустақил иши, индивидуал ва гуруҳли презентациялар, уйга берилган вазифаларни тайёрлаш, рефератлар ёзиш, тестлар, вазиятли масалалар ва бошқалар.

### Ўқитиш натижалари:

#### Модулни яқунлаганда талаба билади:

1. бирламчи ортодонтик беморнинг хужжатларини расмийлаштиришни (шакл № 39);
2. сўров, юз тузилиши ва оғиз бўшлиғи кўригини ўтказишни;
3. тишлов турини аниқлашни;
4. махсус текширув усулларни ўтказиш ва уларни таҳлилини;
5. стоматологик ускуналар билан ишлашда техника хавфсизлик қоидаларига риоя қилишни;
6. Пон ва Линдер-Хард индексларини;
7. Коргхаус индексларини;
8. Тонн ва Еккел усулларини қўллашга кўрсатмани;
9. рентгенологик тасвирларни таҳлил қилишни;
10. миогимнастик машқларни бажаришдаги умумий қоидаларни;
11. телерентгенографик нукта, текислик ва бурчакларни;
12. алоҳида тишлар ва тиш қаторлари аномалиялари, уларни ташҳислаш, даволаш ва олдини олишни;
13. ортодонтияда юзага келадиган хато ва асоратлар, уларни олдини олишни.

**Модулни якунлаганда талаба бажара олади:**

- эластик масса ёрдамида қолип олиш;
- жағларнинг диагностик ва назорат моделларини қуйиш;
- Коркгауз бўйича тиш ёйи олд қисмининг узайганлиги ёки қисқалигини аниқлаш;
- Понн бўйича тиш ёйи торайганлини аниқлаш;
- Изард бўйича юз турларини аниқлаш;
- ечиладиган ва ечилмайдиган болалар протезларини созлаш ва ўрнатиш;
- ортодонтик аппаратни созлаш;
- ортодонтик аппаратни ўрнатиш;
- ортодонтик аппаратни активлаш;
- ечиладиган ва ечилмайдиган болалар протезларини созлаш ва ўрнатиш;
- ортодонтик-биологик сепарацияни ўтказиш;
- ортодонтик пластинкани тез қотувчи пластмасса ёрдамида қайта тиклаш;
- вестибуляр ёйли, винтли, итариб чиқарувчи пружинали пластинкани активлаш.



